

**Ўзбекистон файласуфлари ассоциацияси  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг  
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази  
Al Fraganus (Альфраганус) университети  
Турон Фанлар Академияси  
“Беруний авлодлари” жамоат жамғармаси ва унинг  
Берунийшунослик илмий маркази**

**«ИНСОНИЯТ, МИЛЛАТ ВА ТИЛ: ЎЗARO  
АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ»  
мавзусидаги илмий-назарий семинар тўплами**

**Материалы научно-теоретического семинара на тему  
«ЧЕЛОВЕЧЕСТВО, НАЦИЯ И ЯЗЫК: ВЗАИМОСВЯЗИ И  
ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ»**

**Materials of the scientific-theoretical seminar on the topic  
“MANKIND, NATION AND LANGUAGE:  
INTERRELATIONSHIPS AND DEVELOPMENT TRENDS”**

**2024 йил 30 март**

**Тошкент - 2024**

**«Инсоният, миллат ва тил: ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш тенденциялари» мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. Материалы научно-теоретического семинара на тему «Человечество, нация и язык: взаимосвязи и тенденции развития». Materials of the scientific-theoretical seminar on the topic “Mankind, nation and language: interrelationships and development trends”. Тошкент: «Fan ziyosi» нашр. 2024. 285 б.**

“Инсоният, миллат ва тил: ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш тенденциялари” мавзусидаги илмий-назарий анжуман материалларида илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий фалсафий масалалари, онтология, гносеология, мантиқ, космология, фазо-вақт ва табиатшунослик фалсафаси, илмий-маънавий мерос ва фалсафа тарихи, инсон ва жамият тараққиётининг долзарб масалалари, маънавият, миллий ғоя, диншунослик ва бағрикенглик, инсон, унинг эътиқоди, жамият, миллий хавфсизлик, таълим тизими ривожини ва истиқболи масалаларига доир мақолалар жамланган. Анжуман таниқли файласуф, жамоат ва илм-фан арбоби, устоз-олим, фалсафа фанлари доктори, профессор, Турон Академияси ва Халқаро Информатизация Академияси академиги Каримов Бахтиёр Рахманович таваллудининг 75 йиллигига бағишланган.

#### **Таҳрир ҳайъати аъзолари.**

Абдухалимов Б.А., Маҳмудов М.М., Зиёдов Ш.Ю. (раис), Тураев Б.О. Шониёзов Қ.А., Каримов Б.Р., Абилов У.М., Бобожонова Д.Б., Турсунмуратов Т.М., М.И.Хўжаев.

#### **Масъул муҳаррирлар:**

Тарих фанлари доктори, доцент Зиёдов Шовосил Юнусович  
Фалсафа фанлари доктори, профессор Тураев Бахтиёр

Оманович

Фалсафа фанлари доктори, профессор Каримов Бахтиёр  
Рахманович

#### **Такризчилар:**

Фалсафа фанлари доктори Хошимова Эътибор Содиқовна,  
Фалсафа фанлари доктори Имомалиева Раъно Мирахмедовна.

*Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир ҳайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.*

Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари мутафаккирларимизга бағишланган илмий-назарий семинарларни ташкил этишда самарали ҳамкорлик олиб бормоқдамиз. Бу борада ҳам Бахтиёр Каримовнинг ноёб инсоний сифатлари: самимийлик, холислик, меҳнатсеварлик ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги пайтда коинотнинг супергравитацион манзараси ҳақидаги оммабоп китобча тайёрлаш устида бош қотирмоқдамиз. Умид қиламизки, бу ҳамкорлигимиз ҳам тез орада ўзининг ижобий натижасини беради.

Доимо соғ ва омон бўлинг самимият сифатига эга дўстим Бахтиёр Каримов!

## **ИБРАТГА МОЛИК ОЛИМ**

**Абилов Ўрол Муродович,  
фалсафа фанлари доктори, профессор**

Маълумки, фалсафанинг муаммолари фан оламининг барча соҳаларида ўзининг муқим асосига эга. Чет мамлакатларда фаннинг қайси соҳаси бўйича бўлмасин илм билан шуғулланганларга, яъни, олимларга “Философия Доктори” деган унвон берилиши ҳам бежиз эмас. Суҳбатимиз қаҳрамони Бахтиёр Раҳманович Каримов ҳам худди шундай кишилар тоифасидан десак, асло хато қилмаган бўламиз. Негаки, у киши аниқ фанлар вакили бўлсада, фалсафа фани йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борган олим ҳисобланади. Аниқ фанлар йўналиши бўйича фалсафий тадқиқотлар шинавандаси дейиш ҳам мумкин.

Мен Бахтиёр Каримов билан унинг адаши Бахтиёр Тўраев орқали танишганман. Бахтиёр Тўраев фалсафа ихтисослиги бўйича таълим олган бўлсада, у киши ҳам табиий аниқ фанлар шайдосидир. Балки уларни икковининг умумий қизиқишларининг уйғунлиги яқинлаштиргандир. Мен кўпроқ шундай деб, ўйлайман. Бундан ташқари, уларнинг иккаласи ҳам камтарликнинг намунасидир. Умуман олганда ўхшашликлари кўп. Лекин илм соҳасида уларнинг

ҳар иккаласининг ҳам ўзига хос йўналишлари борки, бу борада алоҳида мактаб яратилса арзигуликдир.

Ўзбекистон файласуф олимлари ўртасида Бахтиёр Каримов ўзининг илмга бўлган кенг қамровли ҳаракатлари ва мақсадга эришиш борасидаги жонбозликлари ҳамда ўзининг позицияси борлиги, уни асосли равишда ҳимоя қила олиши билан танилган олимдир. У бошлаган ишини албатта кўзлаган даражада ижобот ҳолатига келтирувчи ижодкор сифатида ҳам танилган изланувчидир. Шу ҳислатлари билан олимлар ва олимликка давогарларга ўрнатилган бўларли ибратга эга. Тўғри, ҳар қандай мақсадни юзага чиқариш тинимсиз ва машаққатли меҳнат эвазига амалга ошиши мумкин. Лекин меҳнатни ҳам тўғри йўналтирсагина мақсад амалга ошиши мумкин. Шу маънода, Бахтиёр Каримовга ўхшаган олимларни инсониятга табиатнинг ўзи инъом этган эҳсон деб, атаса бўлади.

Бахтиёр Каримов ўзининг ўртатурк тили ҳақидаги қарашлари ва изланишларининг натижалари ҳақида жўшиб гапирди. У ер юзидаги барча туркий халқларнинг бир бирини бошқа тилларнинг ёрдамисиз ўзаро мулоқоти асосида жипсликка ва бирдамликка эришиши мумкинлиги ҳақидаги концепциясини ишлаб чиққан ва бу тўғрисида илмий ва амалий жиҳатдан пухта уйғунликка эга фикрларни илгари сурган. Бу унинг миллатига, ватанига, туркий халқларга бўлган меҳр-муҳаббатининг акс садоси деса арзигулик ҳаракатидир. Айни вақтда у ўрталаштирилган тилларни бошқа қардош тиллар гуруҳлари (ҳинд, роман, герман, славян, малай-индонез, дравид, эрон ва бошқа гуруҳлар) учун ҳам яратиш керак деб ҳисоблайди ва шу тилларни яна бир маротаба ўрталаштириш асосида ўртажаҳон тилини яратиш мумкинлигини кўрсатади.

Бугун проф.Б.Р.Каримов етмиш беш ёшдан ошмоқда, бу олим одам учун энг фикри тиниклашган ва сермахсул даврга кириш билан баҳоланади. Зеро, бу ишларни амалга оширишга Бахтиёр

Каримовда салоҳият ҳам, иқтидор ҳам, мақсадга интилувчи куч ҳам бор ва умид қиламизки, у ўзининг илм ва инсонийлик соҳасидаги мақсад ва интилишларининг илмий ва амалий жиҳатдан сермахсуллигини ҳамда ёш олимларга ибратлилигини намоён эта олади.

<b>I. ПРОФ. Б.Р.КАРИМОВ ИЛМИЙ ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА.....</b>	<b>11</b>
<b>Тураев Б.О. Серқирра илм соҳиб.....</b>	<b>11</b>
<b>Тураев Б.О. Менинг самимийликда тенги йўқ дўстим.....</b>	<b>18</b>
<b>Абилов Ў.М. Ибратга молик олим.....</b>	<b>21</b>
<b>Холбеков А.Ж. Фалсафадаги Дон Кихот ёки курашчан олим ҳақида.....</b>	<b>23</b>
<b>Абдуллаева Н.Б. Ибрат мактаби.....</b>	<b>28</b>
<b>Ochilov J.A. Zamonamiz fan taraqqiyotining yetuk mutaxassisi va Jonkuyar fidoyisi.....</b>	<b>30</b>
<b>Ўразметова Қ. Камтарликдан камол топган устозим.....</b>	<b>32</b>
<b>Умирзакова Н.А. Илмга баҳшида ҳаёт.....</b>	<b>35</b>
<b>Рузиназаров Ш.Н. Атоқли ва фидоий олимнинг замонавий фалсафий-ҳуқуқий қарашлари: ҳуқуқшунос олим нигоҳида..</b>	<b>38</b>
<b>Файзихўжаева Д.Э. Фидоий олим ва ватанпарвар инсон.....</b>	<b>54</b>
<b>Каххаров А.Г. Восхождение к олимпу знаний и постижение философской истины ( к 75-летию доктора философских наук, профессора Каримова Б.Р.).....</b>	<b>56</b>
<b>Бобожонова Д. Камтарин инсон, тилларни миллат ғурури даражасида улуғлайдиган забардаст олим.....</b>	<b>62</b>
<b>Ражабов Қ.К. Бахтиёр Каримов ҳамда ўртатурк тилини қўллаш муаммолари.....</b>	<b>67</b>
<b>Ортиқов Т. Ўз маслағи ва платформасига содиқ қолган зукко файласуф.....</b>	<b>69</b>
<b>Холбаев И. Бахтиёр Раҳмонович Каримов – кўп қиррали сермахсул олим ва камтарин инсон.....</b>	<b>70</b>
<b>Исмоилов С.Т. Давримизнинг Беруний боласи.....</b>	<b>72</b>